

Қувайт масжид ва Қуръон марказларини ривожлантиради



08:00 / 05.01.2019 1719

«Ал-Рай» ахборот сайтининг хабар беришича, Вақф ва Исломий ишлар вазирлиги ушбу йўналиш бўйича махсус режа ишлаб чиққан.

Вазир ўринбосари Фарид Амадининг маълум қилишича, 2019 йил мобайнида масжид ва Қуръон марказларининг барчаси CCTV (ёпиқ электрон телевизион тизимлари) билан жиҳозланади. Шунингдек, вазирлик томонидан Қуръони каримни ёд олиш ва Қуръон тадқиқотларини янада ривожлантириш бўйича алоҳида режа асосида ишлар ҳам олиб борилади.

Расмий маълумотларга кўра, ҳозиргача шу йўналиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбилар вазирликнинг 2016–2021 йилларда ислом тараққиёти юзасида ишлаб чиққан катта режасининг 86 фоизини ташкил этмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти